

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти**

“Ер ресурсларини бошқариш” факультети

“Ердан фойдаланиш” кафедраси

Фан: Ер муносабатларини тартибга солиш

**Амалий машғулот мавзуси: Ўрмон фонди, сув фонди ва захира
ерларининг ҳуқуқий ҳолати.**

Амалиётчи: ст. ўқим. Бегимова М.

Режа:

- 1. Ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати**
- 2. Сув фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати**
- 3. Захира фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати**

Ўрмон фондидар

Ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фондидар деб эътироф этилади.

Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ўрмонзорлар барпо этиши, жарликларнинг кенгайишини тўхтатиши, шаҳарлар ва саноат марказлари атрофида ихота ўрмонзорлар ва кўкаламзор зоналар яратиши учун белгиланган тартибда ўрмон фондидар таркибиغا ўтказилиши мумкин.

Туман ҳокими ўрмон хўжалиги давлат органлари билан келишиб, ўрмон фондидарини қишлоқ хўжалиги юритиши учун қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига ваєтинча фойдаланишига ижара шартлари асосида бериши мумкин.

Ўрмон фондидаридан фойдаланиши тартиби маҳсус қонун ҳуҗжатлари билан белгиланади.

Ўрмон фонди ерларини мухофаза қилиш, асраш, ва улардан оқилона фойдаланиш факатгина, ўрмон хўжалиги эҳтиёжларини қондиришга эмас, балки катта экологик аҳамиятга ҳам эгадир. Мамлекатимиз ҳудудининг 18 фоизи ўрмонлар билан қопланган.

Республиканинг ўрмонлар билан қопланиш даражаси 5,3% ни ташкил этади. Дарахтлар камлиги ўрмон билан қопланган ерлардан нооқилона фойдаланиш натижасида уларнинг қисқаришига сабаб бўлади. Тартибсиз ва чегара билмай мол боқилиши ўрмон фондига айниқса катта зарар етказади.

Ўрмон фонди ерларини ҳуқуқий тартибга солини бир қатор қонунлар билан тартибга солинади. Ўрмон фонди ерларини ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг 9 декабр 1992 йил “Табиатни муҳофаза қилиш”, 2004 йил 3 декабрдаги “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар”, 15 апрел 1999 йилда қабул қилинган “Ўрмон тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунларга асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси талабларига асосан, ўрмон ва ўрмон фонди ерлари ҳамда бошқа барча табиат бойликлари умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва давлат муҳофазасидадир.

Мазкур талаб “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддаси ва “Ўрмон тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида ҳам ўз ифодасини топган.

Бозор иқтисодиёти шароити ўрмон фонди ерларидан фойдаланишнинг ижара шаклига ўтиш, яъни ижара асосида ўрмонзорлардан фойдаланиш ҳуқуқини кенг кўллашни тақазо этмоқда. Ўрмон ва ўрмон фонди ерларидан ижара асосида фойдаланиш улардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Зеро, ўрмонзорлардан ижара асосида фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, “Ижара тўғрисида”ги ва “Ўрмон тўғрисида”ги қонунлар ҳисобланади.

Сув фонди ерлари

Сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги инишоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув ҳавзаларининг ва бошқа сув обьектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар сув фонди ерлари жумласига киради.

Дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг, шунингдек ичимлик ва рўзгор сув таъминоти, аҳолининг даволаши ҳамда маданий-согломлаштириши эҳтиёжларига хизмат қиласиган манбалар қирғози бўйлаб қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда сувни муҳофаза қилиши зоналари ва қирғоқбўйи минтақалари ажратилади.

Дарёлар, магистрал каналлар, коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларининг қирғоқбўйи минтақалари табиатни муҳофаза қилиши эҳтиёжлари учун ер эгаларидан ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Сув фонди ерларида сув обьектларига салбий таъсир кўрсатадиган хўжалик фаолияти юритиш ва қурилиши ишлари олиб бориш тақиқланади.

Сув фонди ерларидан фойдаланиши тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистонда жами 250 га яқин катта-кичик кўл бор. Амударё дельтасидаги энг катта кўл Судочье кўлидир. Ўзбекистон кўлларининг аксарият қисми тоғларда, 2000-3000 метр баландликда жойлашган. Тоғ кўлларининг сатҳи, одатда, 1 квадрат километрдан ошмайди. Текисликлардаги кичик кўллар Сирдарё ва Амударё қайирларида, Амударё дельтасида, суғориладиган воҳалар чеккаларида жойлашган. Уларнинг кўпи саёз. Пастлик жойларда ирригация шхобчаларидан чиққан ташлама – зовур сувларидан ҳам кўллар вужудга келган. Масалан, Арнасой ботиғида шундай сувлардан умумий майдони 1760 квадрат метр катта кўл ҳосил бўлган.

Каналлардан Ўзбекистонда асосан суғориш мақсадларида фойдаланилади. Мавжуд каналларнинг умумий узунлиги қарийб 160 минг километр шундан 22 минг километри хўжаликлараро каналлар, колган қисми хўжалик ички тармоқлариdir.

Захира ерлар

Юридик ва жисмоний шахслар эгалигига ҳамда фойдаланишига, ижарага берилмаган, мулк этиб реализация қилинмаган барча ерлар захира ерлардир. Бундай ерлар жумласига эгалик қилиши ва фойдаланиши ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи уибу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилинган ерлар ҳам киради.

Захира ерлар туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг масарруфиди бўлади ва уибу Кодексга мувофиқ асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилишига, фойдаланишига ва ижарага беришга мўлжалланади.

Ўзбекистон Республикаси ер фонди таркибида захира ерлар мустақил тоифани ташкил этади. Мамлкетимизда захира ерларнинг умумий майдони 7596,1 минг гектар ёки бутун мавжуд ер фондининг 17,0 % ини ташкил қиласи.

Захира ерлар – Ўзбекистон Республикаси ер фонди таркибига кирадиган мустақил тоифасини ташкил қилиб, доимий эгаллаш ва фойдаланишга берилмаган ер массивлари хисобланади.

Мазкур тоифа ерлари улкан иқтисодий, экологик ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, бу ерларнинг микдори йилдан-йилга камайиб бормоқда.